

Асосий капиталга инвестициялар 2018 йил январь-сентябрь ойларида

Рақамлар:




Асосий капиталага
киритилган
инвестициялар 6158,0
млрд. сум

Ўсиш суръати
58,4%

Жорий даврда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 6158,0 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 58,4 % ташкил этди.

Молиялаштиришнинг манбалари бўйича таҳлил қилинганда, жорий даврда ўзлаштирилган асосий капиталга инвестицияларнинг катта қисми чет эл инвестиялари ва кредитлари – 3410,9 млрд. сўм ёки 55,4 % , корхоналарнинг ва аҳолининг ўз ҳисобидан эса 1774,0 млрд. сўм, ёки 28,8 % жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ҳисобига тўғри келади.


Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар тақсимланиши



2018 йил январь-сентябрь ойларида жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 580,3 млрд. сўм ёки 9,4 фоиз, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан эса 5577,7 млрд. сўм ёки 90,6 фоизни ташкил қиласди.

- марказлашган
- марказлашмаган


Асосоий капиталга кирилган инвестицияларнинг умумий ҳажмига нисбатан молиялаштириш манбаларининг таркиби, %



Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби, умумий ҳажмдаги улуши %



Асосий капиталга инвестицияларнинг тақрор ишлаб чиқариш таркиби, жамига нисбатан фоизда




Асосий капиталга киритилген инвестицияларнинг тақрор ишлаб чиқариш таркиби бүйича умумий ҳажмидан 4533,8 млрд. сүм ёки 73,6 фоиз – янги қурилишга, 973,7 млрд. сүм ёки 15,8 фоиз - кенгайтириш, реконструкция, модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантиришга ва 650,5 млрд. сүм ёки 10,6 фоиз – бошқа йұналишларға түғри келади.

■ янги қурилиш

■ кенгайтириш, реконструкция, модернизація
ияқилиш ва техник қайта қуроллантириш

■ бошқа йұналишлар


Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби(млрд.сум)



Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркибидаги юқоридаги диаграммада кўрсатиб ўтилганидек тоғ-қон саноати етакчилик қилмоқда. Ушбу тармоқда жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 3315,0 млрд. сўм ёки жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 53,8 фоизи ўзлаштирилган. Шундан 3297,7 млрд. сўм, ёки инвестицияларнинг 53,6 фоизи табий газ қазиб чиқариш учун йўналтирилган.

Шунингдек асосий капиталга инвестицияларнинг энг кўп инвестиция ҳажмлари уй-жой қурилишига – 16,6 %, ташиб ва сақлашга – 6,3 %, ишлаб чиқарадиган саноатига – 5,1% ва бошқа фаолият турларига – 10,4 % тўғри келади.

Турар жой қурилишига инвестициялар аҳолини намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган ва арzonлаштирилган уй-жойлар қурилиши бўйича давлат дастурларининг амалга оширирлиши ҳамда аҳоли томонидан якка тартибдаги турар-жойлар қурилиши ҳажмлари билан боғлиқ.



Хорижий инвестиция ва кредитлари

2018 ыйл январ-сентябрь ойларида 3410,9 млрд. сүм ёки асосий капиталга инвестицияларнинг умумий хажмининг 55,4 % хорижий инвестиция ва кредитлари ҳисобидан 1000 амалга оширилган. Ўтган ыйилга нисбатан ўсиш фоизи 44,5 фоизни ташкил қилган. Шундан хорижий инвестицияларнинг ҳажми 3219,0 млрд. сүмни ташкил қилган.


- Хорижий инвестиция ва кредитлари млрд.сум

Асосий капиталга инвестициялар туманлар кесимида




Хорижий инвестициялар ва кредитларнинг асосий ҳажми тоғ-кон саноатига 3138,4 млрд. сўм тўғри келиб, бу инвестициялар Кандим конлар гуруҳини ишлаб чиқаришга тайёрлаш ва газни қайта ишлаш заводини қуриш ишлари бўйича ўзлаштирилиши билан бевосита боғлиқ.

Иқтисодий фаолияти турлари бўйича хорижий инвестициялари ва кредитлари, млрд. сўм.



Объектларни ишга тушириш



- Ижтимоий соҳада жорий даврда жами умумий майдони 973,1 минг кв.м, бўлган 5810 та тураг жой обекти янги қурилиб ишга туширилган бўлиб, улардан умумий майдони 758,6 минг кв.м. бўлган 4946 таси қишлоқ жойларда жойлашган. Намунавий лойиҳалар асосида умумий майдони 99,6 минг кв.м. Бўлган 1285 та тураг жой қуриб битказилиб, ишга туширилди.

- Коммунал хўжалиги соҳасида 992,6 км. сув тармоқлари (қишлоқ жойларида 975,4 км.), ва 6,5 км. газлаштириш тармоқлари (хаммаси қишлоқ жойларида) ишга туширилиди. Ишга туширилган сув тармоқларинг асосий улуши Олот туманига тўғри келиб, бу “Бухоро вилоятининг Олот ва Қоракўл туманларининг сув таъминотини яхшилаш” лойиҳаси билан боғлиқ.
- 2018 йил январь-июнда касб-ҳунар коллажларни реконструкциясига 6321,8 млн. сўм, умумтаълим мактабларни янги қурилиши ва реконструкциясига эса 27865,5 млн. сўм инвестициялар ўзлаштирилган бўлиб, бу таълим соҳасида ўзлаштирилган жами инвестицияларнинг 26,8 фоизини ташкил қиласди.